

## ЗАМОНАВИЙ АРАБ АДАБИЁТИДА ҲИНД МИФОЛОГИЯСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393939>

**Муҳиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна**  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
филология фанлари доктори (DSc), доцент  
тел.: +998 99 829 11 80. Email: dmuhiddinova@inbox.ru

### АННОТАЦИЯ

*Замонавий араб адабиётида ҳозирги замон муаммоларини тасвирлаш мақсадида жаҳон ва миллий мифологик сюжет ва образларга, диний муқаддас китоблардаги ривоятларга ижодий ёндашув кучайиб бормоқда. Мазкур мақолада мисрлик ёзувчи Мунир Утейбанинг “Огоҳлантириш” ҳикоясида Ҳинд халқининг қадимий мифларидан бугунги замон, бугунги инсон қиёфасини, ундаги ахлоқий, маънавий камчилик ва иллатларни ёритишида истифода этгани, интертекстуалликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *ижодий жараён, миф, мифология, халқ оғзаки ижоди, афсона, асотир, мифологик оқим, интертекстуаллик, мифологик образ.*

### ANNOTATION

*In modern Arabic literature, the use of exemplary world and national mythology and legends, folk tales, fantasies and narratives, sacred religious books to reflect the problems of the era is increasingly increasing in works. The article analyzes the peculiarities of intertextuality in the story of the Egyptian writer Munir Uteiba "Warning", in which ancient Indian myths illuminate the modern image of man, his moral and spiritual world and shortcomings.*

**Key words:** *creative process, myth, mythology, folklore, myth, mythological current, intertextuality, mythological image.*

Маълумки, адабий жараёнда, бадиий ижодда мифларга, афсоналарга, фольклорга мурожаат қилиш тез-тез кузатиладиган ҳодиса, лекин ҳар бир ёзувчи уларга ўз дунёқаришидан келиб чиққан ҳолда ёндошади, адибнинг бадиий иқтидори эса мифологик сюжетларни ва образларни асардаги турли ғоя ва мақсадларга бўйсиндиради. Адабиётда мифологик образ, сюжетларга янгича ижодий ёндашув жараёнида албатта диний дунёқараш ва халқ оғзаки ижоди

ётади. Адабий жараёнда мифларга ижодий ёндашув ҳар бир даврда ўзига хос тарзда кечган. “Мифларга ижодий ёндашув жараёнида бадиий санъат яратувчилари, биринчи ўринда ёзувчилар қатнашади. Улар, аввало етиб келган мифларга ўз муносабатларини билдирадilar, иккинчидан ўзларининг шахсий мифларини яратадилар”<sup>1</sup>. Масалан, жаҳон адабиётидареализм ва романтизм босқичида И.Х.Гёлдерлин, И.В.Гёте, Ж.Г.Байрон, М.Де Сервантес, У.Шекспир, А.Толстой ва бошқалар, модернизм босқичида Ж.Жойс, С.Беккет, Ф.Кафка, А.Камю, Т.Манн, М.А.Булгаков, Р.М.Рильке, Р.Мерлл, Ч.Айтматов каби ёзувчилар мифларга ижодий ёндашув натижасида янги бебаҳо асар намуналарини яратдилар. Ва натижада “неомифологизм”<sup>2</sup>, яъни мифларга янгича ёндашув дунёга келди.

Замонавий араб шеърисида мифологик образларнинг ифодаланиши бўйича тадқиқотлар олиб борган Е.Э.Ганихановнинг таъкидлашича, “Араб адабиётида мифологик образ ва сюжетларга XX асрнинг биринчи чорагидан, яъни араб адабиётида янги типдаги шеърисият шаклланаётганда, шу билан бирга араб шеъриси анъанавий услубдан чекланиш жараёни даврида эътибор қаратиш бошланди”<sup>3</sup>. Янги давр араб насрий жанрларида ҳам XIX асрнинг охирида XX асрнинг бошларида “ан-Нахда” уйғониш даврида муқаддас диний манбаларда келтирилган ривоятлардан (Муҳаммад ал-Мувайлиҳий “Замонадан бир лаҳза ёки Исо ибн Ҳишомнинг ҳикоялари”, Жуброн Ҳалил Жуброннинг эсселари «Исо инсоният ўғли», «Пайғамбар боғи», «Пайғамбар ўлими» ва б.) ўз замонасининг муаммоларини ёритишда, янгича поэтик истеъфода этиш кузатилади.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб замонавий араб адабиётига жаҳон адабиётидаги экзистенциализм, сюрреализм, символизм каби модернизм доирасидаги оқимларнинг кириб келиши, реализмнинг ички табиий ривожланиши натижасида кейинги янги босқичларга (неореализм: психологик реализм, магик реализм, интеллектуал реализм) ўтиши натижасида янги бадиий изланишлар кузатилади. Замонавий араб ёзувчилари асарларида экзистенциализм фалсафасининг муаммоларини кўтариб чиқдилар, инсон мавжудлиги, инсон ва олам, инсон ва тақдир, инсон ва ўлим каби умумбашарий, фалсафий масалаларни ёритишга эътибор қаратдилар. Замонавий араб насрида (XX асрнинг иккинчи ярми ва охири), хусусан ҳикоянависликда мифологик

<sup>1</sup>Хализев В.Е. Теория литературы. М.: Высшая школа. 2005. С.122-123.

<sup>2</sup>Хализев В.Е. Теория литературы. М.: Высшая школа. 2005. С.123.

<sup>3</sup>Ганиханова Е.Э. Мифологические образы в современной арабской поэзии (50-70-е годы XX века) и их функциональная нагрузка. Диссер... на соис.. канд. филол. наук. Т. 1993. С.29.

образлар ва сюжетлар, диний муқаддас манбалардаги ривоятлар, пайғамбарлар ҳаётига доир ҳикоятларга ижодий ёндошувларда ҳам янги бадиий изланишлар юзага келди. Миср адабиётида бу йўналиш “تيار الأسطورية”<sup>4</sup> “мифологик оқим” деб ҳам номланди. Мазкур оқимдаги ҳикояларда фантастик, сирли, ғаройиб унсурлар асар матнига кириб, ҳақиқий воқелик билан уйғунлашиб кетади. Замонавий араб адабиётида Нажиб Махфуз, Юсуф Идрис, Дийа аш-Шарқовий, Жўрж Салим, Мунир Утейба, Закарийа Тамер, Абдурахмон Мажид ар-Рубейи, Муҳаммад Шаълан, Иброҳим Аслон ва бошқа бир қатор ёзувчилар мифологик сюжет ва образларга, диний муқаддас китоблардаги ривоятларга ижодий ёндашув натижасида ўзига хос, бетакрор услубга эга асарларини яратдилар. Шу жумладан, ҳозирги замон Миср адаби Мунир Утейба ижодида буни яққол мисолини кўришимиз мумкин. Мунир Утейба 1969 йили 8 февралда Искандарияда туғилган. Унинг тўлиқ исми Мунир ас-Саид Муҳаммад ал-Утейба. Мунир Утейба “Эй олам қушлари бирлашамиз” (1998), “Аир кетидан югирган ўлим” (2000), “Ал-Ғанимий ҳикоятлари” (2001), “Ал-Байбаний ҳикоятлари” (2002), “Сурма ёйилиши” (2005), “Маҳзунликни тарқатиш” (2007) каби кўплаб ҳикоялар тўпламлари, “Кел ўйнаймиз ва ўқиймиз” (2003), “Ушаннинг шўхлиги” каби болалар учун ҳикоя ва қиссалар муаллифидир.

Мунир Утейбанинг “Ал-Байбаний ҳикоятлари” номли тўплами ёзувчининг гўзал, бетакрор ҳикоялари тўпламларидан биридир. Мазкур тўпламдаги ҳикоялар турли услубда яратилган ва ҳаётнинг турли хил жиҳатлари тасвирланган. Мунир Утейба ҳикоя жанрида эркин ижод қилар экан, бу жанрнинг сирларини эгаллаб олган иқтидор эгаси эканлиги маълум бўлади. Агар ёзувчи ўзига хос услубга эга бўлиб, унинг ҳикоясида услубий кашфиётлар фикрнинг тарнглиги билан уйғунлашиб кетса ва шу томнлар билан бирлашиб ҳикоя жанри қоидаларига амал қилса, ўқувчи бундай ҳикояга эътиборини қаратади, ундан таъсирланади, ўйларга берилади, ёзувчининг ҳаёл парвозига шерик бўлади. Мунир Утейба худди мана шундай ёзувчилардандир. “Ал-Байбаний ҳикоятлари” тўпламидаги ҳар бир ҳикоя катта, чуқур фалсафий маънони қамраб олган ўзига яраша кичкина олам яратади. Бу олам ўзига хос хислатларга тўла, унда ўзига яраша фалсафий-маънавий қарашлар бор, улар негизида қанча ҳиссиётлар туғени ётади.

Мунир Утейбанинг мазкур ҳикоялар тўпламига қисқа таништирув сўзи ёзган Миср адабиётшунос олими Шавқий Бадр Юсуф фикрича, бу тўплам ўз

القاهرة. 1988. ص. 140. د. يوسف نوفل. الفن القصصي بين جيلى طه حسين و نجيب محفوظ.<sup>4</sup>

даврининг майдонида ҳикоя жанри ривожини тўғрисида тўлиқ тасаввур уйғотади ва ҳикояни ривожланаётган адабий жанр сифатида намоёни қилади. Мазкур тўпламдаги ҳикоялар ранг-баранг мавзуга, хилма-хил услубга эга. Тўпламда айниқса, ҳикоянинг замонавий араб адабиётида оммалашиб, ривожланаётган “қиссатун қасиратун жиддан” (“жуда қисқа ҳикоя”) тури кўпчиликти ташкил қилади. Мунир Утейба “жуда қисқа ҳикоя”лари ҳам бир ёки бир ярим бетни ташкил этиб, ёзувчи асарларида жаҳон адабиётидаги миф, асотир, афсоналарга ижодий ёндошган ҳолда умумбашарий фалсафий, ахлоқий, ижтимоий, маънавий мавзуларни мажозий, рамзий, ассоциатив тарзда баён этган.

Шу жумладан, Мунир Утайбанинг “Огоҳлантириш”<sup>5</sup> ҳикояси бир ярим бетни ташкил этиб, ҳинд халқи мифларига мурожаат қилиб, умумбашарий муаммоларни кўтариб чиққан.

Маълумки, мифология ибтидоий инсоннинг илмий, диний, фалсафий ва бадиий қарашларини ўзида мужассамлаштирган синкретик ҳодисадир. Шу боис Мифология фольклор, ёзма адабиёт, [санъат](#) ва маънавий қадриятларнинг шаклланиши учун илк [замин](#) вазифасини ўтаган. Айниқса, ҳинд халқлари мифологияси, халқ оғзаки ижоди деярли бутун жаҳон адабиётига ўз таъсирини кўрсатган. “Қадимий Ҳиндистон адабиёти диний-фалсафий қарашлар ва ғояларга бой бўлган, қадимий давр ҳинд халқининг дунёқарашини, яшаш тарзини, урф-одатлари ва муаммолари акс этган ведалар, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, инсон маънавияти, ахлоқ ва панд-насихатлар, инсон ва жамият ҳақидаги асосий билимлар жамланган эпослар ва эртаклардан, шунингдек, ўзига хос диний дунёқарашни акслантирувчи буддавийлик ва жайнийлик таълимотларига мансуб адабий мерос ҳамда уч китоб - брахманлар, араньяклар ва упанишадлардан иборат ведаларга якуний изоҳлар битилган тўпламлардан ташкил топади”<sup>6</sup>.

Араб ёзувчиси Мунир Утейба “Огоҳлантириш” ҳикояси фалсафий, дидактик хусусиятларни ўзида мужассамлантириб, замонавий масални яратган. Муаллиф ҳикояда ҳинд халқининг “Вишну” маъбудини ҳақидаги мифларга ижодий ёндошиб эркин мурожаат қилади. “Ҳиндларнинг муқаддас диний китоби Ведаларда ва ҳинд мифологиясида Худоларнинг учлиги мавжуд бўлиб, биринчиси Брахма - яратувчи, Вишну - ҳимояловчи, сақловчи, Шива – бузиб ташувчилардир. Бу уч Худо ҳинд мифологиясида бош аҳамият касб этиб,

5. منير عتيبة. قصص. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 49-51.

6. “Қадимги шарқ адабиёти”. - Т.: ТошДШИ, 2016. – Б. 191.

асосий ролни ижро этади<sup>7</sup>. Мунир Утайба ҳикоясида ҳинд мифологиясининг Вишну маъбудининг инсониятни тўфондан, сув босишидан қутқариб, ҳимоялаб қолиш учун балиқ, тўнғиз қиёфаларида келиб иблислар билан олишгани ҳақидаги асоирий воқеалардан келтириб ҳикоя мазмун-моҳиятини очишга ҳизмат қилдиради.

*“Ҳиндларнинг эзгулик маъбуди “Вишну”га шундай шуур хос. Вишну тўфондан инсонни эҳтиёт бўлиши учун балиққа айланган, у инсоннинг кемасини нажот ерига бошқариб бориш учун чўчқага айланган, у инсонни океан тубида белгиланган ерда чўктириш учун ҳаракат қилган иблисни ўлдирган чўчқага айланган...”<sup>8</sup>*

Мунир Утайба ҳикоя бошида келтирилган ҳинд мифларидаги талқин орқали ҳинд мифологиясига кўра Вишну маъбудини инсониятни қутқариш учун ерга бир неча бор бошқа – бошқа кўринишларда келиши, яъни аватарларини келтириб ўтади. Бу орқали биз араб адиби Мунир Утайбанинг жаҳон маданияти, адабиёти, шу жумладан, қадимги ҳинд мифологиясини нақадар яхши билишидан, бағрикенглик хослиги кўзга ташланади. Таниқли ўзбек адабиётшунос танқидчиси Акмал Саидов Ж.Жойснинг “Улисс” романининг ўзбек тилидаги таржимасига кириш сўзида “Жойс афсонага берилиб кетган, аммо ўз дунёқараши ва ижодини қандайдир тайёр афсонада жойлашда ҳаддан ташқари мустақил, ўзига хос тарзда, янгича иш тутади. Жойснинг ўз етук афсонаси бор, у “Улисс”нинг бош қисмида ҳали кўзга ташланмайди, кейинги воқеаларда сезила бошлайди...”<sup>9</sup> [3.С.10] Мисрлик ёзувчи Мунир Утайба ҳам ўзининг жуда қисқагина ҳикояси сюжетида интертекстуаллик хос бўлиб ҳикоя бошида ҳинд мифологиясидан келтиради, лекин ёзувчининг шахсий афсонаси ҳикоя сюжетининг кейинги тизимида кўзга ташланади. Мунир Утайбанинг афсонаси шуки, унда ҳам асоирий тасвир, ҳам модернистик, яъни экзистенциалистик ғоя мавжуд. Ҳинд мифологиясига кўра Вишну инсониятни сув бостириб чўктириб юборишга чоғланган иблис, ёвуз кучлардан сақлаб қолишга ҳаракат қилган бўлса, М.Утайбанинг ҳикоясида инсониятнинг бир-бирига нисбатан қилган ёвузликлари, тубанликлари, фаҳш, зулм, адолатсизлик, шавқатсизлик каби бутун ёмонликлари учун тўфонга учраши акс эттирилади ва шу мазмундан келиб чиқиб ёзувчи ҳикоя

<sup>7</sup>Қаранг: Нарайан Р.К. Боги, демоны и другие. М.:Наука, 1975. С.13-14.

<sup>8</sup>49 منير عتيبة. قصص. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص.

<sup>9</sup>Жойс Ж. Улисс саргузаштлари. Рус тилидан Иброҳим Ғофуров таржимаси. Т.:Ўзбекистон, 2013. Б.10



сарлавҳасини “Огоҳлантириш” деб номлади. Мунир Утайба ҳикоя бош қаҳрамонининг монолог-мулоҳазалари орқали ўз фикрларини баён этгандек гўё:

*“Тўфон бизларни чўктиради, шаҳримизни вайрон қилади. Дарҳақиқат, биз камолга етишмадик, гўёки хатоларимизни тўғрилаш учун қоламиз. Эй, одамлар... Эй, одамлар... Эй одамлар... У ўзини тубсиз жарликка ташлаб юборилгандек ҳис қилди.”*<sup>10</sup>

М.Утайба “*Вишну маъбуди ўлди, у ҳам ўлади, даҳшатдан ўлади*”<sup>11</sup> жумласида фалсафий фикрни мужассамлайди. Инсониятнинг тубанликлари натижасида ҳатто маъбуд ҳам даҳшатга тушиб, унга ёрдам беришга қодир эмас. Ёзувчи бу ерда экзистенциалистик ғояни илгари суради, яъни инсон ўз қилган ишига ўзи жавобгар, у ўз хатоларини ўзи тўғрилаши керак, ўз ишига ўзи масъул ва жавобгардир. Ҳикоя ечими “*Шаҳар ахолисини жавоби йўқ савол қийнайди: “Тўфон бўладими ёки...?!”*” каби савол жумласи билан якунлаши орқали масал жанридаги “қиссадан ҳисса чиқариш” каби инсониятни бўлажак тўфондан огоҳлантириш, тўфоннинг бўлмаслиги учун инсон ўз қилган хатоларини вақтида тўғрилаши лозимлиги ва огоҳ бўлиши кераклиги уқтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, арабадабиётида замонавий муаммоларни бадий аск эттиришда жаҳон мифологияси, миллий афсона ва асотирларга, халқ ривоятларига, фантазияларга, муқаддас диний китобларда келтирилган ривоятларга мурожаат қилиш кучайди. Мисрлик ёзувчи Мунир Утейба “Огоҳлантириш” ҳикоясида ҳинд халқининг қадимий мифларидан бугунги замон, бугунги инсон қиёфасини, ундаги ахлоқий, маънавий камчилик ва иллатларни ёритишда истеъфода этди ва бу орқали инсониятни огоҳликка даъват этмоқда.

## REFERENCES

1. منير عتيبة. قصص. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 49-51.
2. Ганиханова Е.Э. Мифологические образы в современной арабской поэзии (50-70-е годы XX века) и их функциональная нагрузка. Диссер... на соис.. канд. филол. наук. Т. 1993. С.29.
3. Нарайан Р.К. Боги, демоны и другие. М.:Наука, 1975. С.13-14.

<sup>10</sup> منير عتيبة. قصص. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 51.

<sup>11</sup> منير عتيبة. قصص. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 2002. ص. 51.

- 
4. Mukhiddinova, D., Saidova, N., Sh, K., Shermatova, G., & Egamberdieva, M. (2022). Features of The Development of Drama in the Eastern countries. International Journal of Social Science Research and Review, 5(3), 31-41.
  5. Мухиддинова, Д. З. (2015). Жанр "очень короткого рассказа" в современной арабской литературе. Социосфера, (3), 57-60.
  6. Мухиддинова, Д.З. (2021). Тенденции развития иорданского новеллы XX века. ACADEMICIA: Международный междисциплинарный исследовательский журнал, 11 (3), 1695–1704.